



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Норбаев Ғолибжон Тохирович**

Тошкент давлат иқтисодиёт унiversитети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10663318>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-February 2024 yil

Ma'qullandi: 10- February 2024 yil

Nashr qilindi: 15- February 2024 yil

### KEY WORDS

қишлоқ хўжалиги тузилмалари,  
молиялаштириш, кредитлаш  
механизмлари, молиявий  
қўллаб-қувватлаш, қишлоқ,  
ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада қишлоқ хўжалик тузилмаларини молиялаштириш ва кредитлаш механизмларининг назарий асослари афзалликлари, таҳлили ҳамда ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. бугунги кунда қишлоқ хўжалиги дунё мамлакатларининг асосий қисмида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик тузилмаларини молиялаштириш ва кредитлашнинг истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.*

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг кўп бошқариладиган тармоқларидан бири ҳисобланади. Катта йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, деҳқонларнинг мулк ҳуқуқи, уларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда сектор учун хизматлар бозори ишлаб чиқиш доимо ислоҳотга муҳтож бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва бугунги кунда асосий дастурий ҳужжатлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида мамлакатда сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш. Республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш, 32 та йирик шаҳарлар ва 155 та туман марказларида оқова сув тизимларини янгилаш. Сув таъминоти қувурларидаги сув сирқиш нуқталарини сунъий йўлдош технологияси

орқали масофадан зондлаб аниқлаш ва таъмирлашга замонавий технологияларни жорий этиш масалаларини ҳал этиш вазифалари кўрсатиб ўтилган.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тизимида кичик тадбиркорлик ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва унинг ҳозирги ҳолатини умумий баҳолаш, бир томондан, умумий иқтисодий вазиятда қийинчиликларнинг мавжудлигига қарамай, иқтисодиётнинг ушбу сектори катта имкониятларга, ҳаётий қобилиятга эгаллиги, мамлакат иқтисодиёт тузилмасида объектив ролининг ошиб бораётганлигидан дарак беради. Иккинчи томондан эса, аграр соҳада тадбиркорликнинг ривожланишида бирмунча орқада қолиш тамойиллари мавжудлигини кўрсатади.

**Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.** Республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида хўжалик юриштишнинг истиқболли шакллари ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларини самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан муайян даражада шарт-шароитлар яратилди. Ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш соҳасига ҳам катта эътибор берилди. Хусусан, хўжалик юртувчи субъектларга молиявий хизмат кўрсатувчи турли кредит институтлари (тижорат банклари, жамғармалар, микромолия ташкилотлари, микрокредит ташкилотлари, лизинг компаниялари) ташкил этилди, фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди, аграр соҳани кредитлаш бозор муносабатлари талабларига мослаштирилди.

Ҳар доим қишлоқ хўжалик тузилмаларини молиявий маблағлар билан таъминлашда кредит тизими ва молиялаштириш тизимларини бир-биридан ажратган ҳолда кўриб чиқиш жуда мушкул. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги тузилмаларини молиялаштириш ва кредитлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар<sup>2</sup>, маблағ билан таъминлашнинг ушбу икки турдаги шакллари ўзаро қўшиб олиб бориш бўйича мулоҳазалар кўплаб билдирилган.

Ривожланган давлатларда хусусан ғарбий Европа малакатларида маблағ билан таъминлашнинг барча турлари бўйича (банкларнинг маблағлари ҳисобидан бўлса ҳам) амалга ошириладиган тадбирлар молиялаштириш деб юритилади. Хусусан, Б.Хамидов ва М.Жуманиёзовалар “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Пахтани экспорт қилишдан бош тортиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аҳамият бериш, тарқоқ фермер хўжаликлари ўрнига кластерлар яратиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини қайта ишлаб чиқариш билан бирлаштириш ислохотлар даврида аграр сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади” - деб фикр билдиради<sup>3</sup>. Иқтисодчи олима Д.Тожибоева “Келажакда қишлоқ хўжалигида меҳнатга бўлган кучли мотивацияни, ер, сув, моддий, молиявий ресурслар самарадорлигини таъминловчи янги ташкилий тузилма ва бошқариш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

<sup>2</sup> Холмирзаева Д. Аграр тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.-Тошкент: ЎзБИИТИ, 2004, 7-б; Тожиев С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тузилмаларнинг иқтисодий-молиявий муносабатлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация.-Тошкент: ЎзБИИТИ, 2005, 7-б.

<sup>3</sup> Хамидов Б, Жуманиёзова М. Стратегические приоритеты сельского хозяйства. // Экономическое обозрение. 2020, №6. - стр 53

усулларини топиш муҳим аҳамиятга эга” - дея таъкидлайди<sup>4</sup>. А.Мадалиев эса “Қишлоқ хўжалик илмини равнақ топтириш керак. Ишлаб чиқариш узвийлиги билан махсулот сифатини оширишда мавжуд технологиялардан унумли фойдаланиш баробарида, янги технологиялар билан бойитиб бориш зарурлигини таъкидлаб “Ўзбекистон шароитида ернинг махсулдорлиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайди. Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигидаги айрим кўрсаткичлар таққосланса, бу яна бир бор ўз тасдиғини топади” дейди<sup>5</sup>. Аграр соҳада хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларини ўрганар эканмиз жумладан, Россиялик олим А.В.Чаянов “Ҳозирги кунда фан олдида қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли истиқболда қандай ривожланишини назарий жиҳатдан асослаб бериш муҳим масала бўлиб, бир томондан, эволюцион ёндашув аъналарини, иккинчи томондан иқтисодий таҳлилда соф иқтисодий жараёнларга социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни ҳам ўз ичига оладиган методологияни қўллаш талаб этилади” деб таъкидлаган эди<sup>6</sup>. Бизнинг назаримизда ҳам мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ана шу стратегик аҳамиятга эга бўлган илмий амалий таклифларни инобатга олиш муҳим. Шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва ривожлантириш билан боғлиқ зарурий чора тадбирлар ижросини таъминлаш лозим, бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган қишлоқ хўжалик тузилмаларини молиялаштириш ва кредитлаш механизмларининг афзалликлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб, тегишли хулосалар шакллантирилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўп қиррали ва мураккаб тармоқларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда молиявий хизматлар кўрсатиш ва банк хизматлари соҳасида ҳали-бери амалга оширилмаган ҳамда банк тизимида аграр соҳа учун фойдаланилмаётган катта захиралар ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз, бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Буларнинг барчасини қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммолар, уларни банк-молия институтлари томонидан молиявий маблағлар билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш зарур.

Охирги йилларга қадар республикада қишлоқ хўжалик тузилмаларини кредит ресурслари билан таъминловчи институтлар сифатида асосан тижорат банклари юзага чиққан. Банклар билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредит ресурслари билан таъминлашда турли жамғармалар, микромолиялаштириш муассасалари, норасмий кредиторлар ҳамда лизинг компаниялари ҳам фаолият юрита бошладилар.

<sup>4</sup> Тожибоева Д. Фермер хўжаликлари самарадорлигининг илмий-назарий асослари. // «Иқтисод ва молия», 2017, 12-сон. -17-б.

<sup>5</sup> Мадалиев А. Илм-фан ва инновация –тараққиёт омили. // «Агро-илм», 2020, 1-сон. – 4-б.

<sup>6</sup> Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации (пере- изд. труды). – М.: «Наука»,1991.

Ҳозирги даврда амалиётда лизинг операциялари Ўзбекистонда ўзининг ўзига хос ечимини талаб қилувчи муаммолари мавжуд бўлса ҳам тижорат банклари ва ихтисослашган лизинг компанияларида кенг қўлланила бошланди. Баъзи таржима нашрларда лизинг ижарани молиялаштириш деб ҳисобланади ва лизинг усулида молиялаштириш банкнинг ускуна ёки машиналарни сотиб олиб, уларни ўз миқдорларига ижарага беришини назарда тутди деб, таъкидланади<sup>7</sup>. Лизингнинг кредит, ижара, ёллаш муносабатларидан туб фарқлари ҳам кредит, ҳам лизинг муносабатларининг асосини инвестициялаш учун ресурсларни қарзга олиш ташкил этади. Шу билан бирга, кредит муносабатлари билан лизинг муносабатлари ўртасида муайян алоқалар ҳам, муайян тафовутлар ҳам мавжуд.

Ҳақиқатда эса банк мулкчилик ҳуқуқини сотиб олмайди, балки молиялаштиради, тўғрироғи ижарачининг ижара муносабатлари воситасида ва лизинг шартномаларида кўрсатилган муддатларда мол-мулкни қўлга киритиш ниятида бўлғуси ҳуқуқини молиялаштиради. (1-чизма). Бунга қўшимча равишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, лизинг технологиялар ва ускуналар сотиб олиш учун кредит беришнинг бир шаклидир.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида лизингни кредитлашнинг муқобил шакли сифатида бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, у бизнингча, қуйидагилардан иборат. (1-жадвал)

**1-жадвал**

**Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун лизинг операцияларининг хусусиятлари<sup>8</sup>**

<b>Фойдаланиш асослари</b>	Бошланғич капиталнинг камайтириш зарурияти. Молиялаштиришнинг ташқи манбаларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш
<b>Тижорат тузилмаларининг манфаатлари</b>	Лизингга берилаётган техинка ва асбоб ускуналар орқали кредитнинг асосий қисмини қайтариш кафолатининг таъминланганлиги. Хатарларни (таваккалчиликни) камайтириш
<b>Фермер ва деҳқон хўжаликларининг манфаатлари</b>	Лизинг олувчи техника ва ускуналар қийматини бирданига тўлиғича тўлашдан озод этилади, кредит ресурслари тақчиллиги ва қарз маблағларини жалб қилиш имконияти чегараланган шароитда уларга зарурий танловни амалга ошириш имконияти яратилади Лизинг воситаларини ва жалб қилиш каналларини ҳамда қарзга маблағ олишни ва узоқ муддатли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади. Кафолат суммасининг пастлиги. Бошланғич сармояни кам талаб этади.

<sup>7</sup> Питер Роуз С. Банковский менеджмент.- Пер.с англ, со 2-го изд.- М.: «Дело Лтд».1995- 768, 173 бет.

<sup>8</sup> Муаллифнинг ўз ишланмалари асосида тузилган

	<p>Лизинг молиявий вазифадан ташқари ишлаб чиқариш функциясини бажаради, яъни ишлаб чиқаришни моддий-техника шу жумладан замонавий техника воситалари билан таъминлашни жадаллаштириш имконини беради.</p> <p>Лизингга олувчи зарурий хизматларни, жумладан техник хизмат кўрсатишдан бошлаб маркетинг, суғурта ва бошқа хизматларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади.</p> <p>Фермер ва деҳқон хўжалиklarини ихтисослашган лизинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлиги қишлоқ хўжалиги учун техника ва ускуналарни ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини мақбул нархларда ҳарид қилиш имконияти яратилади.</p>
<b>Фермер ва деҳқон хўжалиklари учун камчиликлари</b>	<p>Лизинг тўловларининг миқдори банк фоиз ставкалари даражасида бўлиши.</p> <p>Лизинг компаниялари ва банкларнинг шартномада белгиланган шартларида фарқларнинг деярли йўқлиги.</p>
<b>Фойдаланиш имкониятлари</b>	<p>Республикамизда кичик бизнес субъектлари, фермер ва деҳқон хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари доирасида лизингни қўллаш ва ундан фойдаланиш кўлами чегараланмаган.</p>

Лизинг тизими кредитлашнинг энг истиқболли муқобил шаклларида бири ҳисобланади. Фермер ва деҳқон хўжалиklари учун лизинг бир вақтнинг ўзида иккита муҳим муаммони ҳал этади: техника ва ускуналарни жалб қилиш ва бу жараёни молиялаштириш. Лизинг молиявий вазифадан ташқари ишлаб чиқариш функциясини бажаради, яъни ишлаб чиқаришни моддий-техника шу жумладан замонавий техника воситалари билан таъминлашни жадаллаштириш имконини беради. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти шароитига мос ҳолда қайта ташкил этишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида ер, чорва моллари ва бошқа табиий бойликлардан ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган бўлиб, бу унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқланишига сабаб бўлади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги тузилмалари ичида деҳқон-фермер хўжалиklarининг ўрни йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий мулкчилик шакли сифатида фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижаси сифатида кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик

тоифалари бўйича тақсимланиши<sup>9</sup>

№	Тармоқлар	Йиллар кесимида		
		01.01.2021 й.	01.01.2022 й.	01.01.2023 й.
1.	Фермер хўжаликлари	27,9	29,8	31,2
2.	Деҳқон хўжаликлари	70,1	68,0	65,9
3.	Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,0	3,2	3,9
<b>Жами:</b>		100,0	100,0	100,0

Мамлакатимизда хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хўжалик тоифалари бўйича ишлаб чиқаришда 2021 йил январ ҳолатига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,1 фоиз деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 27,9 фоизи фермер хўжаликларига ва 2,0 фоиз – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келган бўлса, 2023 йил бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлили яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 65,9 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 31,2 фоизи – фермер хўжаликларига ва 3,9 фоизи-қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар зиммасига тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ичида етакчилардан ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларини мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, уларни ривожлантириш мақсадида улар фаолиятини кредитлаш тизимининг ҳуқуқий ва меъёрий асослари доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда. Хусусан:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл бонитети паст бўлган ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;
- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга татбиқ қилинади.

Амалга оширилаётган аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидаги асосий вазифа ислохотларнинг боришини секинлаштираётган

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. 2020-2022 йй.

сабабларни тезроқ бартараф этишдан, қишлоқда аграр муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тугаллашдан, ушбу тузилмаларни молия-кредит институтлари билан алоқаларини тобора мустақкамлашдан иборат бўлмоғи керак.

Чунки қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиб бориши барқарорлик дегани эмас. Бу энг аввало, молиявий ҳолатнинг барқарор бўлиши билан боғлиқ. Бу борада айниқса қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Чунки, молиявий барқарорлик биринчидан, деҳқон ижтимоий ҳаётининг яхшиланишини, иккинчидан, ерга, асосий воситаларга маблағ йўналтирилишини (инвестиция қилиниши) таъминлайди.

Умуман олганда, иқтисодиётни трансформациялаш ва рақамлаштириш шароитида қишлоқ хўжалик тузилмаларини хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш ва кредитлаш тизимининг қонуний асосларини яратилиши ҳамда уларни тобора такомиллашуви натижасида мамлакат аграр соҳасининг ҳолатини, молиявий барқарорлигини, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий фаолиятини кўтарилишига эришилади.

**Хулоса.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўп қиррали ва мураккаб тармоқларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда молиявий хизматлар кўрсатиш ва банк хизматлари соҳасида ҳали-бери амалга оширилмаган ҳамда банк тизимида аграр соҳа учун фойдаланилмаётган катта захиралар ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз, бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бугунги кунда пул маблағлари ва улардан фойдаланиш борасида кескин рақобат тобора авж олиб бораётган шароитида кредитлаш тижорат ҳарактерига ва ўз навбатида, катта рағбатлантириш аҳамиятига эга бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида қуйидаги омиллар билан асосланади:

-биринчидан, турли мулк шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарни фаолияти жараёнида такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маблағлардан фойдаланишда давлат бюджети ва аҳоли ўртасида доимий пайдо бўладиган зиддиятларга бардош бериш;

-иккинчидан, аграр соҳанинг турли соҳалари ва кўп сонли хўжалик юритувчи субъектларни фаолият юритишида капитални ва маблағларни турли муддатларда доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлаш;

-учинчидан, нақд пулсиз тўлов воситаларини муомалага киритиш ва уларнинг ҳаракатини зарурий жойлаштириш;

-тўртинчидан, бозор шароитида қишлоқ хўжалик корхонасини тижорат ташкилоти сифатида самарали фаолият юритишини таъминлашга эришиш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигидаги қайта қуришлар муносабати билан молиявий тузилмалар ва энг аввало, қишлоқ хўжалиги тармоғларининг машина ва усқуналар паркини жаҳон андозалари даражасидаги янги техника билан таъминлаш учун инвестиция маблағлари ажратаётган молия институтлари олдида катта вазифалар қўйилмоқда. Бу вазифани молиялашнинг фақат анъанавий усули - банк кредити ва бошқа кредитларга таянган ҳолда муваффақиятли ва жадал суръатларда хал этиб бўлмайди. Республикада

фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлашнинг муқобил шакли сифатида факторинг ва лизинг тизими ҳам жорий этилган.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Холмирзаева Д. Аграр тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.-Тошкент: ЎзБИИТИ, 2004, 7-б; Тожиев С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тузилмаларнинг иқтисодий-молиявий муносабатлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация.- Тошкент: ЎзБИИТИ, 2005, 7-б.
3. Хамидов Б, Жуманиёзова М. Стратегические приоритеты сельского хозяйства. // Экономическое обозрение. 2020, №6. - стр 53
4. Тожибоева Д. Фермер хўжаликлари самарадорлигининг илмий-назарий асослари. // «Иқтисод ва молия», 2017, 12-сон. -17-б.
5. Мадалиев А. Илм-фан ва инновация –тараққиёт омили. // «Агро-илм», 2020, 1-сон. – 4-б.
6. Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации (перезид. труды). – М.: «Наука»,1991.
7. Питер Роуз С. Банковский менеджмент.- Пер.с англ, со 2-го изд.- М.: «Дело Лтд».1995-768, 173 бет.
8. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

INNOVATIVE  
ACADEMY